

ЎЗБЕКСТАН Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИКЛАГАН НА АНАДА НИРИГИЛГАШ:


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хизматида Олий ва ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишини
бунчика Фарзудидабад биржанимадар фабликими «Муассисаси тарбияти
иентининг» 2021 йил 17-и юни кунин 2-даги санни багизланган
маъкудиган ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2021 йил «Ўзбекистон Республикаси буруни билим
тасдиқлантит»

**60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) бакалавриат
таълим йўналишининг малака талаблари**

Министр Малака талаблари "Олий таълим давлат гаджим стандарти
Асосий концептар", "Олий таълим бўйичанинг изо мутахассисликлерни
класификатори", Узбекистон Республикаси Министри малика республика
мувофиқ ишлаб чиқарсан ва расмий мельбэр-хурубий ходиса
хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси музаккия бўйича талабларини тасдиқлантит
хизматида хуҷуми Узбекистон Республикаси вазирлиги таълим
вазирлигига тегтапсанади

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ТАСДИҚЛАГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил “17” августдаги 3- сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил “18” августдаги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>60111800 – Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>60111800 – Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60111800 – Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>60111800 – Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>60111800 – Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	5
1.2.3.	<i>60111800 – Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>60111800 – Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>60111800 – Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	7
	Келишув вараги.....	8

1. 60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шакларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби 60111800 – *Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ҳодимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган аббитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) – “Таълим” соҳасига оид йўналиш бўлиб, у мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус ҳамда профессионал таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида хорижий тилларни ўқитиши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, давлат бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари, таржимонлик, ўқув-методик хизмат, таълим тизимининг тегишли муассасаларида услубий таъминот, хорижий тилдаги матнларни таҳлил ва таҳрир қилиш фаолияти билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари;
- хорижий матнлар таржимаси ва таҳрири жараёнлари;
- чет тили ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари;
- ташкилот ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари.

1.2.3. 60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- педагогик;
- ўқув-методик;
- илмий тадқиқот;
- таржимонлик;
- ташкилий- бошқарув.

1.2.4. 60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Педагогик фаолиятда:

- мактабгача, умумий ўрта ва ўрта маҳсус ҳамда профессионал таълим муассасаларида хорижий тил ва адабиёти бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб интерактив ўқув машғулотларини ташкил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва илмий-ижодий тадқиқот ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

Ўқув-методик фаолиятда:

- умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасалари ва унинг тармоқ бошқармаларида методист бўлиб ишлай олиш;
- хорижий тил ва адабиётини ўқитиш бўйича ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган самарали методларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- инновацион методикаларни маҳаллий шароитга мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш.

Илмий тадқиқот фаолиятида:

- тил, адабиёт ва таълим технологиялари соҳасида илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, мустақил-изланувчи, тилшунослик ва тил ўқитиш методикаси бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий таҳлилларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, конференцияларда маъruzachi, муҳокамаларда қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;
- илмий-техникавий ва соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- тилшунослик ва адабиётшуносликка оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- касбий фаолият обьекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш.

Таржимонлик фаолиятида:

- маориф, маданият, туризм соҳалари, турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, қўшма корхоналар, фирмаларда таржимон, референт вазифасида ишлай олиш;
- давлат бошқарув тизимида таржимонлик фаолиятини юрита олиш;
- техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш;
- чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (қисқа курслар);
- турли ҳажм ва мазмундаги иш қоғозлари билан ишлаш;
- бадиий, илмий асарларни чет тилидан она тилига таржима қилиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий сұхбатларни ташкил этишва бошқариш;
- ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- давлат тизимининг барча бошқарув бўғинларида ишлаш;
- турли ўқув муассасалари, ташкилотларга раҳбарлик қилиш, таълим ва соҳа билан боғлиқ бошқа ишларни режалаштириш, уларни йўлга кўя билиш;
- янги технологиялар, таълимнинг замонавий усуллари асосида ўқитишини ташкил қилиш ва уларни бошқариш;
- таълим ва ўқитиши сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга татбиқ қила олиш;
- ўқув жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий ишларни режалаштириш.

2. 60111800 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни хисобга ола билиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-хуқуқий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- мактабгача, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, профессионал таълим тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида хорижий ўқитиши кўникмасига эга бўлиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- намунавий методикалар ва инновацион таълим технологиялари бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш кўникмасига эга бўлиш;
- энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда излаш ва топиш кўникмасига эга бўлиш;
- илмий-тадқиқот ва таълим муассасаси жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини ечиш;
- давлат ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда хорижий тиллардан таржимонлик қилиш;
- техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш;
- меҳмонхоналарда ва сайёхлик фирмаларида менежерлик ва маъмурий ходим сифатида ишлаш;
- тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий сухбатларни ташкил этиш ва бошқариш;
- хорижий тилларни ўқитиши ва таржимонлик фаолияти билан боғлиқ соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;
- турли ташкилотларда таржимонлик фаолияти ва гид ҳамроҳлигини амалга ошириш, фирма ва меҳмонхоналарда менежерлик хизматини кўрсата олиш;
- узлуксиз таълим тизими муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва татбиқ этишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, кредит-модуль тизими, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, чет тили ўқитувчиси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети



Ректор У.Азизов

2021 йил “—”

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. М.Эсонов

2021 “—”



Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
университети

Ректор А.Умаров

2021 “—”



Ўзбекистон Республикаси Халқ
таълими вазирлиги хузуридаги
Республика таълим маркази

Директор Ш.Сатторов

2021 “—”



Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон миллий университети

Ректор И. Мажидов

2021 йил “—”

М.Ў.